



РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Раджабов Сардор Бахтиёрович -
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест
маркази директори ўринбосари

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a54](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a54)

Аннотация. Ушбу мақолада рақамлаштириш орқали корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлашнинг назарий асослари, ҳозирги кундаги ҳолати ва бошқарувда жорий этишнинг хоризж тажрибаси чуқур таҳлил қилиб ўрганилган. Молиявий барқарорликни оширишда рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ва унинг афзалликлари илмий жаҳатдан тадқиқ этилган. Корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлашда рақамли технологияларни қўллаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш имкониятлари назарий жиҳатидан ёритиб берилган.

Калит сўзлар: молиявий барқарорлик, рақамлаштириш, рақамли технология, бозор, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, рақамли технология, рақамли маркетинг.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ ПУТЕМ ЦИФРОВИЗАЦИИ

Раджабов Сардор Бахтиёрович -
Заместитель директора Государственного центра
тестирования при Кабинете Министров
Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье проводится глубокий анализ теоретических основ обеспечения финансовой устойчивости на предприятиях за счет цифровизации, текущей ситуации и зарубежного опыта внедрения в управление. Научно изучены возможности использования цифровых технологий в повышении финансовой устойчивости и его преимущества. Теоретически выделены возможности использования цифровых технологий и оценки их эффективности в обеспечении финансовой устойчивости на предприятиях.

Ключевые слова: финансовая устойчивость, цифровизация, цифровые технологии, рынок, показатели финансовой устойчивости, цифровые технологии, цифровой маркетинг.

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FUNDAMENTALS OF FINANCIAL SUSTAINABILITY IN ENTERPRISES THROUGH DIGITALIZATION

Radjabov Sardor Baxtiyorovich -
Deputy director of State Test Center under the
Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article provides an in-depth analysis of the theoretical foundations of financial sustainability in enterprises through digitalization, the current state and foreign experience of implementation in management. The potential and benefits of using digital technology to increase financial sustainability have been scientifically explored. Theoretical opportunities for the use of digital technologies in assessing the financial stability of enterprises and assessing their effectiveness are provided.

Key words: financial sustainability, digitalization, digital technology, market, financial sustainability indicators, digital technology, digital marketing.

Кириш. Халқаро валюта фондининг прогнотизига кўра, глобал иқтисодиёт 2022 йилда 4,4 фоизга ўсишини ва 2023 йилда 3,8 фоизгача секинлашини прогноз қилмоқда, бу пандемия учинчи йилга кираётганида, тикланишнинг кўплаб муаммоларини келтириб чиқармоқда. Қийинчиликлар орасида Омикрон штампининг тез тарқалиши туфайли саёҳат чекловлари ва ишчи кучи танқислиги, таъминотдаги узилишлар, рекорд қарзлар, ўсиб бораётган инфляция ва сиёсатнинг ўзгаришига таъсир кўрсатмоқда [17].

Ҳозирги пайтда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шу туфайли бундай ўзгаришларга улгуриш воқитаси сифатида кундалик иш фаолиятимизда ахборот технологиялари шиддат билан кириб келмоқда. Булар эса фаолиятимиз натижаларига таъсир этувчи барча омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш имконини ҳам туғдирмоқда. Бундай шароитлардан фойдаланган ҳолда ҳар бир корхонада ўзининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини тизимли равишда таҳлил қилиш имкониятига эга бўлиб бормоқда. Бозор муносабатларининг чуқурлашиб бориши ҳар

бир корхонада мавжуд бўлган ички имкониятларни аниқлаш ва уларни ишга солиб, ўзларининг рақобатбардошлигини таъминлаш заруратини туғдирмоқда. Бу эса ўз навбатида, иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашни, бунинг учун омилли таҳлилдан кенг фойдаланишни тақозо қилмоқда. Зеро, эндиги мутахассис ҳар бир кўрсаткичга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш йўллари билиши, шу йўл билан корхонада мавжуд бўлган ички имкониятларни ишга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, буларни ишга соладиган бошқарув корхоналарини қабул қила олиш қобилиятига эга бўлиши лозим [11].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 1-илоvasи 25-мақсадида: рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш, рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни ҳамда магистрал автомобиль йўллари кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олиш, иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцияларни жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш ҳамда дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш каби масалалар қўйилди [14].

Ушбу вазифаларни амалга оширишда, аввало, рақамли иқтисодиётнинг таъсир доирасини кенг таҳлил қилиш лозим бўлади. Рақамли иқтисодиётга ўтиш заруратини дунёнинг етакчи мамлакатлари эгаллаб турган ўрни билан кузатишимиз мумкин. Бугунги кунда иқтисодий ривожланган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг улуши 60-70 %ни ташкил қилади. Бу соҳада барча молиявий маблағлар ва меҳнатнинг 2/3 қисми жалб этилган. Жаҳон ҳамжамиятининг барча ривожланган мамлакатлари ахборот технологиялари, ахборот инфратузилмасини ривожлантириш, ахборот ресурсларини шакллантириш, янги иқтисодий тизимнинг иқтисодий ва ижтимоий хусусиятларини ўрғанишга стратегик инвестициялар киритмоқда. Жамият эҳтиёжини қондириш учун зарур моддий ресурслар билан таъминлаш ва ахборот технологияларини ривожлантиришнинг стратегик устунлигига (юқори даражадаги маҳсулдорлик, ижтимоий интерфаоллик, атроф-муҳитга зарар етказиш, глобал тарқалиш ва шу кабилар билан ажралиб турадиган) алоҳида эътиборни қарат-

ган ҳолда, рақамли иқтисодиёт бизга энг катта имкониятларни яратишга имкон беришини кузатиб келишимиз мумкин.

Жаҳон банкининг “Рақамли дивидендлар” номли тадқиқоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳимлигини кўрсатди. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши мамлакат ЯИМнинг ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 1,21 фоизни, ривожланаётган давлатларда 1,38 фоизни ташкил этган. Демак, интернет тезлиги икки баробарга ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажмининг қарийб 15 фоизга ошишига эришиш мумкин [20].

Демак, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар томонидан рақамлаштириш жараёнини тезроқ қўллаш орқали молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Республикамиз иқтисодиётига рақамлаштириш жараёнларининг бошланғич нуқтасида бўлишимизни инобатга оладиган бўлсак, рақамлаштириш орқали корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг назарий-услубий асосларини, биринчи навбатда, кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, М.А.Ходунова ишида молиявий барқарорликни таъминлаш учун молия бозорини қуриш ва фаолият юритиш тамойиллари ҳамда янги воситалар, технологиялар ва миллий молия бозорини бошқариш механизмлари таклиф этилади [4].

Ўз навбатида, М.С.Марамгин, Г.В.Чернова ва Л.Дж.Решетникова ўз ишларида молия секторини рақамлаштиришнинг зарур шартларини кўриб чиқдилар, миллий ва глобал даражадаги рақамли молиявий хизматлар кўламининг қиёсий таҳлилин тақдим этдилар, шу билан бирга, молия саноатининг рақамли трансформацияси хавфларини аниқладилар [5].

Молиявий барқарорлик – иқтисодиётга нисбатан ресурсларни, шунингдек, пул рискларини баҳолаш, тақсимлаш, бандликни сақлаш қобилияти. Молиявий барқарорликнинг ҳақиқий самарадорлиги молиявий беқарорлик мавжуд бўлганда пайдо бўлади. Бироқ молиявий барқарорлик – тартибсизлик ҳолатида пул-кредит жараёнини осонлаштириш, такомиллаштириш ва рискларни назорат қилиш қобилияти [12].

Бизга маълумки, ҳаётда ҳамма нарса пул атрофида айланади. Молиявий барқарорлик

компания ёки шахсни стресс, иш ва зарур асосий қулайликларга эга бўлиш ташвишидан халос қилади. Пул сизга яхши овқат, тиббий ёрдам, уй-жой ва бизнесингизни ривожлантириш учун бошқа режалар беради. Шундай экан, моддий жиҳатдан барқарор бўлсангиз, исталган вақт, исталган кунда ҳаёт муаммоларини ҳал қилишингиз мумкин. Иқтисодиётда молиявий барқарорлик кўрсаткичлари қандай аниқланиши ва уларнинг натижаси қандай оқибатларга олиб келиши хусусида турлича талқинлар мавжуд.

Корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш учун маҳаллий ва жаҳон амалиётида қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган. Улардан асосийлари:

- ўз капиталининг концентрация коэффициенти (мухторият коэффициенти);
- молиявий қарамлик коэффициенти;
- ўз капиталининг ҳаракатчанлик коэффициенти;
- айланма маблағларнинг ўз айланма маблағларига нисбати.

Бугунги кунда иқтисодиётда “молиявий барқарорлик” тушунчасини таърифлаш бўйича умумий хусусиятлар ёки сезиларли фарқларга эга бўлган кўплаб нуқтаи назарлар мавжуд [1].

Ушбу атама барча даражаларда – якка тартибдаги уй хўжаликлари ёки якка тартибдаги тадбиркорлардан тортиб глобал молиявий тизимлар фаолиятгача қўлланилади. Баъзи олимлар молиявий барқарорликни узоқ муддатли тўлов қобилияти сифатида тавсифлайдилар, бошқалар эса бу айланма активларнинг оптимал тузилиши ва таркиби деб ҳисоблайдилар. Учинчи гуруҳ олимларининг фикрича, бу корхонанинг узоқ муддатли истиқболдаги барқарор фаолияти, ўз маблағлари ва қарзлар нисбати ва ундан самарали фойдаланиш билан белгиланади. Ёндашувларнинг бундай хилма-хиллиги корхонанинг молиявий барқарорлиги, албатта, концепциянинг кўп қиррали эканлигидан далолат беради.

Т.А.Обушчак корхонанинг молиявий ҳолатини корхоналарнинг маълум бир даврдаги муҳим хусусиятли фаолияти сифатида белгилайди, бу корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини молиялаштиришнинг етарли даражасини таъминлашнинг реал ва потенциал қобилиятини ва уларни самарали амалга ошириш қобилиятини белгилайди [8].

С.З.Мошенский ва О.В.Олийли молиявий барқарорликнинг моҳиятини ҳисобга олган ҳолда, унинг ўз ва қарз манбалари ўртасидаги молиявий мувозанат шартларига мос келишининг асосий шартини белгилайди [7].

К.Друри корхонанинг молиявий барқарорлигини унинг молиявий мустақиллиги орқали баҳолашни таклиф қилади, бу корхонанинг умумий

тузилиши, молиялаштиришнинг ташқи манбаларига боғлиқ [10].

Америка менежмент мактаби вакиллари Ж.Ф.Маршалл ва В.К.Бансал томонидан улар корхона барқарорлиги учун ташқи омиллар ва шарт-шароитлар сифатида ҳаракат қиладиган молиявий янгиликлар ва тенденциялар деб ҳисобга олинади. Уларнинг фикрига кўра, янги молиявий маҳсулотлар молиявий кўрсаткичларнинг кутилаётган қийматлари ва уларнинг хатолари рухсат этилган диапазонларини прогнозлашда раҳбарлик қилиши керак [6].

Л.А.Костирко молиявий барқарорликни корхонанинг ўзгартириш қобилиятининг ажралмас хусусияти сифатида очиб беради, максимал иқтисодий фойда ва минимал рискка эга бўлган молиявий ресурслар сифатида таърифлайди [3].

А.Г.Семенов молиявий барқарорликни корхонанинг барқарор молиявий ҳолатини тавсифловчи комплекс тушунча сифатида белгилайди, бунда молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, шакллантириш ва улардан фойдаланиш даромадлилик, тўлов қобилияти ва узоқ муддатли фаолиятнинг ривожланишини таъминлайди [9].

Бизнинг фикримизча, молиявий барқарорлик корхонанинг ўз фаолиятини кенгайтирилган асосда молиялаштириш, беқарор ташқи муҳитнинг бузилишига қарши туриш ва ноқулай шароитларда ўз тўлов қобилиятини сақлаб қолиш қобилиятини англатиши керак.

Молиявий барқарорликнинг кўплаб таърифлари мавжуд. Уларнинг кўпчилиги умумий хусусиятга эга: молиявий барқарорлик бутун тизимда молиявий тизим ишламайдиган эпизодларнинг (инқирозлар) йўқлиги билан боғлиқ. Бу молиявий тизимларнинг стрессга чидамлилиги ҳақида ҳам бўлиши мумкин.

Барқарор молиявий тизим ресурсларни самарали тақсимлаш, молиявий рискларни баҳолаш ва бошқариш, иқтисодиётнинг табиий суръатларига яқин бандлик даражасини сақлаб туриш ва пул барқарорлиги ёки бандлик даражасига таъсир кўрсатадиган реал ёки молиявий активлардаги нисбий нарх ўзгаришларини бартараф этишга қодир. Молиявий тизим эндоген тарзда ёки муҳим салбий ва кутилмаган ҳодисалар натижасида юзага келадиган молиявий номутаносибликларни бартараф этганда, барқарорлик оралиғида бўлади. Барқарорлик шароитида тизим зарбаларни, биринчи навбатда, ўз ўзини тўғрилаш механизмлари орқали ўзлаштиради, реал иқтисодиёт ёки бошқа молиявий тизимларга салбий таъсирларнинг олдини олади. Иқтисодиётнинг реал секторидаги операцияларнинг аксарияти молия тизими орқали амалга оширилганлиги сабабли молиявий барқарор-

лик иқтисодий ўсишда муҳим аҳамиятга эга. Рақамли молия бозорининг муваффақиятли ишлаши учун аҳоли билан ишлайдиган молиявий воситачилар тизимининг пайдо бўлиши муҳим роль ўйнайди. Айтиш пайтда у ҳали ҳам ривожланмаган, бу рақамли молиявий активлар бозорининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда ва кўшимча тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада корхона молиявий барқарорлигини таъминлашда рақамли технологиялардан фойдаланиш ва бу орқали бошқарув фаолияти самарадорлигини янада ошириш, сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар, бу борада хориж тажрибаси атрофлича таҳлил қилинган. Таҳлил жараёнида илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, таққослаш, тизимли таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Рақамли технологияларни фаол жорий этиш маҳсулот қаторини ва етказиб бериш усулини ўзгартириш асосида молиявий маҳсулотлар ва хизматларнинг мавжудлигини ошириш имконини беради. Молия бозори иштирокчилари истеъмолчининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда харажатларни, вақтни, моддий-техникавий, инсоний ва бошқа ресурсларни қисқартириш, молия ташкилотлари фаолиятидаги мослашувчанликни ошириш орқали энергетик самара олади. Молиявий барқарорлик учун компанияларга бозорга кириш тўсиқлари камаёди, бу бозорда рақобат даражасини оширади.

Замонавий шароитда молиявий бозорининг янада ривожланиши инновациялар ва рақамли воситаларни жорий этишга асосланган бўлиб, бу рақобат муҳити, янги қарз (инвестиция) молиявий воситалари ва маҳсулотларининг пайдо бўлиши ва аҳоли турмуш сифатининг яхшиланишига олиб келади. Рақамли технологиялар транзакцияларнинг хавфсизлик даражасини оширишга, вақт ва молиявий харажатларни камайтиришга ёрдам беради, исталган вақтда молиявий операцияларни амалга ошириш имкониятини беради ва ҳар қандай жойда бу уларни фойдаланувчилар учун энг долзарб масалаларига киритади.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши анча мураккаб, унга ўтиш учун ҳар қандай алоҳида элементларга эга бўлиш етарли эмас, чунки узоқ муддатли истиқболда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш инновацион, инсоний, технологик ва ижтимоий-иқтисодий комбинацияни талаб қилади. Рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида кўплаб мезонларга эътибор қаратилади.

Корхонани рақамлаштириш замонавий ишлаб чиқариш усуллари ва ахборотдан кейин-

ги фойдаланишга асосланган бошқарув сифатини, ҳам технологик жараёнлар, ҳам бошқарувнинг барча даражаларида қарор қабул қилиш жараёнларини тубдан ўзгартириш орқали унинг фаолияти самарадорлиги ва барқарорлигини ошириш учун зарур. Корхонанинг рақамли трансформациясини лойиҳалаш учун рақамли технологияларнинг мавжудлиги ва корхонада жорий этилишининг мақсадга мувофиқлиги мезонига кўра таснифини ишлаб чиқиш керак.

Шундай қилиб, асосий рақамли технологиялар учта гуруҳга бўлинган: асосий технологиялар – технологияларсиз корхонани рақамли ўзгартириш мумкин бўлмаган технологиялар (булутли технологиялар, симсиз технологиялар, қоғозсиз технологиялар ва шу кабилар); муҳим технологиялар – корхонанинг тўлиқ рақамли трансформациясини таъминлайдиган технологиялар (катта маълумотлар, булутли ҳисоблаш, учувчисиз технологиялар ва шу кабилар); илғор технологиялар – “аналог”дан рақамли корхонага ўтишни амалга оширадиган технологиялар (сунъий интеллект, нейрон тармоқлар, тақсимланган маълумотлар реестри, машиналарни ўрганиш ва шу кабилар) [19].

Сўнгги йилларда ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан алоҳида қизиқиш уйғотадиган энг қизиқарли технологиялардан бири “рақамли эгизак – digital twin” деб номланган технологиядир. “Рақамли эгизак” моделлаштириш ва ишлаб чиқаришни режалаштириш ва автоматлаштиришда янги сўз – виртуал қурилмалар ва симуляция моделлари кўринишидаги ҳар бир ишлаб чиқариш объекти ичидаги барча жараёнлар ва муносабатларни ишончли тавсифловчи ягона модель ҳисобланади [15].

“Gartner” тадқиқот ва консалтинг компанияси томонидан олиб борилган таҳлиллар натижасида 2021 йилга келиб, йирик саноат компанияларининг ярми рақамли эгизаклардан фойдаланади, бу эса уларнинг самарадорлигини 10 фоизга оширади, деб тахмин қилмоқда. Рақамли эгизаклар бозори 2024 йилга келиб, 16 миллиард АҚШ долларига етиши кутилмоқда [16]. Компаниялар ушбу технологияга сармоя киритишдан олдин улар қандай бизнес фойда келтириши ва ундан қандай фойда кўришлари мумкинлигини тушуниши керак. Ушбу янги усул компанияга ўз иш услубини ўзгартириш ва ундан фойда олишга қандай ёрдам бериши мумкин? Яқин вақтгача рақамли эгизакни яратиш жуда қимматга тушади ва кўп фойда келтирмади. Аммо ҳозирда катта маълумотни сақлаш учун кўпроқ имкониятлар мавжуд ва ҳисоблаш техникаси нархи тушганлиги сабабли ушбу технологиядан фойдаланиш натижасида катта тижорат имтиёзларига эга бўлишингиз мумкин. Рақамли эгизакнинг асосий афзалликларидан

бири шундаки, у эскирмайди ёки тўхтаб қолмайди. Ушбу технология ҳар доим ўрганиш жараёнида ва ўзи моделлаштирган.

Келгусида ушбу технологиялар реал вақт режимида бутун ишлаб чиқариш жараёнини масофадан бошқаришга имкон беради. Рақамли эгизак асосида ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ва бошқариш учун ишлатиладиган барча тизимлар ва моделларни бирлаштириш

мумкин, бу жараёнларнинг шаффофлигини, қарорларни қабул қилишнинг аниқлиги ва тезлигини оширади.

Бундан ташқари рақамлаштириш орқали корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлашда ҳозирги кунда рақамли технологияларнинг қуйидаги воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.



Расм. Рақамли технологиялар воситалари [18]

Рақамли технологиялар ташкилотларга ўтмишда кашф қилиш ва кузатиш имконсиз бўлган мижозлар параметрлари асосида янада мослашувчан ва мослашувчан моделларни топишга ёрдам беради. Кўп функция ва жараёнларни қамраб олувчи тарқоқ тузилмаларни аниқлаш анча осонлашади, бу эса ташкилотга ўз самарадорлиги ва таъсирини ошириш имконини беради [2].

Рақамли трансформация кенгайтирилган операциялардир. Операцияларни оптималлаштириш вақт, пулни тежайди ва жамоаларингизга янада самаралироқ бўлиши ва фойдаланувчи хатоларини деярли бартараф этишга имкон беради. Рақамли трансформация савдони камайтиради. Рақамли трансформациядан фойдаланадиган компаниялар ўртача саноат рақобатчиларига қараганда 26 % кўпроқ даромад келтиради ва қиймати 12 %дан юқори бозорга эга бўлади [2].

Рақамли трансформация бренд обрўсини оширади, одамлар ташқи томондан доимий овоз билан мулоқот қилишлари мумкин, шунинг учун улар ўз мижозлари ва потенциал мижозлари учун он-лайн ва офф-лайн режимда ажойиб бренд тажрибасини яратишлари мумкин. Рақам-

ли трансформация бошқарув қарорларини яхшилаши мумкин, технологик платформалар томонидан тақдим этилган ишончли таҳлиллар юқори бошқарувга стратегик ва хабардор бизнес қарорларини қабул қилиш имконини беради, замонавий технологиялар ва тизимлар янги маҳсулотлар, кампаниялар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва имзолашда ёрдам беради. Рақамли трансформация ташкилотларга мавжуд мижозларга қўшимча қиймат етказиб, йирикроқ он-лайн бозорларга кириш имконини беради, рақамли технология географик жойлашувлар томонидан қўйиладиган тўсиқларни олиб ташлади, ўрта бизнес илғор ҳамкорлик воситалари билан чегаралар бўйлаб ўз алоқа жараёнларини соддалаштириши мумкин.

IP-манзилларни кузатиш орқали корхоналар ўзларининг географик жойлашуви асосида мижозлар тажрибасини хусусийлаштириши мумкин, он-лайн чакана сотувчилар ташриф буюрувчиларнинг маҳаллий об-ҳаво шароитларига асосланган хусусийлаштирилган маҳсулот тавсияларини намойиш этадилар [2].

Рақамлаштириш жараёнида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш масаласи ҳам асосий йўналишлардан ҳисобланади.

Шунинг учун молиявий барқарорлик бозор иқтисодиёти шароитида корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг энг муҳим белгиларидан биридир. Агар компания молиявий жиҳатдан соғлом бўлса, у инвестицияларни жалб қилиш, кредитлар олиш, етказиб берувчиларни танлаш ва малакали ходимларни танлашда бир хил профилдаги бошқа корхоналардан устунликка эга бўлади. Ниҳоят, у давлат ва жамият билан зиддиятга эга эмас, чунки у бюджетга солиқлар, ижтимоий жамғармаларга ажратмалар, иш ҳақи тўлайди, банкларга кредитлар ва улар бўйича фоизларни тўлашни кафолатлайди. Шундай қилиб, молиявий барқарорликни бошқариш механизми амалга ошириш босқичларининг берилган кетма-кетлиги самарали ва реал иқтисодий шароитларда қўлланилиши мумкин. Шу мақсадда корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

- тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда корхонанинг молиявий аҳволи кўрсаткичларининг доимий мониторинги ва тезкор таҳлилини амалга ошириш;

- молиявий ва солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ва барқарорлаштириш;

- таҳлилий ва молиявий ҳисобот шакллари ахборот-методик таъминлашни такомиллаштириш, бу эса мулкни баҳолашнинг таҳлилий имкониятлари ва реаллигини ошириш;

- молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг хорижий усуллари субъектларни бошқариш амалиётига мослаштириш, миллий иқтисодиётга қўллаш амалиётини ишлаб чиқиш;

- прогнозлар асосида молиявий ҳолатнинг нафақат ретроспектив, балки истиқболли таҳлилдан ҳам фойдаланиш, молиявий ҳисоботларнинг (прогноз қилинган) шакллари татбиқ этиш.

Таклиф этилаётган таҳлил методологияси ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари тизимини қўллаш таҳлилнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, маълумотларни танлаш, тайёрлаш ва баҳолаш, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилий процедуралар ва таҳлил усуллари қўллашни асослаш имконини беради ҳамда корхоналарнинг молиявий мустақиллик даражасини қийсий баҳолашни ўтказиш имкониятини беради. Буларнинг барчаси маълум даражада таҳлил қилиш учун муносабатларнинг функционал тизимини оқилона қуриш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бугунги кунда белгиланган вазифалардан бири корхонанинг ривожланиш жараёнида унинг нисбий молиявий мувозанатини таъминлашдир. Бундай мувозанат корхонанинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятининг юқори даражаси билан тавсифланади ва мулк ва ка-

питалнинг оқилона тузилмасини шакллантириш, молиявий ресурсларни турли манбалар ҳисобидан шакллантириш ҳажмларида самарали пропорцияларни шакллантириш, инвестиция эҳтиёжлари ўзини-ўзи молиялаштиришнинг етарли даражаси билан таъминланади. Молиявий барқарорликни бошқариш механизми шакллантириш менежерларга корхонанинг барқарор ишлашини таъминлаш ва келажакдаги ривожланишини прогнозлаш учун ундан фойдаланиш имконини беради. Шундай қилиб, корхона фаолиятини бошқаришнинг молиявий-иқтисодий механизми такомиллаштириш билан ҳам корхона, ҳам давлатнинг узоқ муддатли мақсадларига эришиш, шунингдек, миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ишлаб чиқариш даражасини ошириш мумкин бўлади [12].

Рақамлаштириш орқали корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда ўрганилган назарий-услубий асослар асосида қуйидагиларга эришиш имконияти ҳосил бўлади:

- биринчидан, корхоналарда янги рақамли технологиялар киритилиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келади;

- иккинчидан, бозорга таклиф этилаётган маҳсулотнинг сифат жиҳатдан устуворлиги ошади;

- учинчидан, корхонанинг маҳсулотига бўлган талабнинг ортиши асосида унинг мижозлари сони ортиб боради;

- тўртинчидан, қимматли қоғозлар бозорида корхонанинг акциялар нархи ошиши ва унинг барқарорлигини таъминлашга эришилади;

- бешинчидан, корхонанинг ташқи бозорда имкониятлари ошиб, маҳсулотнинг экспорт ҳажми ортади;

- олтинчидан, корхонага тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг кириб келиш ҳажми ортади;

- еттинчидан, рақамли технологияларнинг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда чет эллик ҳамкорлар билан ишлаш имкониятини беради.

Хулоса ва таклифлар. Амалга оширилган тадқиқотлардаги рақамлаштириш орқали корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этиш ва улардан фойдаланиш воситаларини ўрганиш орқали қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлашда рақамлаштириш орқали амалга оширишнинг энг замонавий технологик воситаларини жалб этиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш.

2. Корхоналарни рақамлаштириш орқали молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳар

бир корхонада рақамли маркетинг стратегияси-ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3. Рақамли маркетинг стратегияси ишлаб чиқиш орқали унинг технологик воситалари (мобиль иловалар, контент маркетинг, SEO-қидирув тизими, интернет-маркетинг, сунъий

интеллект)дан корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашда кенг фойдаланиш.

4. Рақамлаштиришнинг энг қизиқарли технологияларидан бири “рақамли эгизак” – “digital twin”дан фойдаланиш бўйича аниқ концепция ишлаб чиқиш ва уни корхоналар фаолиятига қўллаш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Chemchykalenko, R.A. Majboroda, O.V. and Lyn'ova, A.S. (2019), "Features of evaluation and analysis of financial stability of the enterprise", *Infrastruktura rynku*, vol. 32, pp. 379-385.
2. Heba Soffar Published November 19, 2018./ <https://www.online-sciences.com/technology/digital-business-transformation-digital-technology-benefits-uses/>
3. Kostyrko, L. A. (2015), "Analysis of financial potential in the enterprise value management system", *Visnyk Skhidnoukrains'koho natsional'noho universytetu im. V. Dalia*, vol. 4(221), pp. 122-130.
4. Khodunova M.A., *Bulletin of the St. Petersburg State University of Economics*, 5-2 (119), 114 (2019).
5. Maramygin M.S., Chernova G.V., Reshetnikova L.G., *Manager*, 10 (3), 70 (2019).
6. Marshall, Dzh. F., Banksal, V.K. (1998), *Fynansoiva ynzheneryia. Polnoe rukovodstvo po fynansovym novovvedenyiam [Financial engineering. A complete guide to financial innovation.]*, YNFRA-M, Moskva, Russia.
7. Moshens'kyj, S.Z., Olijnyk, O.V. (2007), *Ekonomichnyj analiz [Economic analysis]*, PP "Ruta", Zhytomyr, Ukraine.
8. Obuschak, T.A. (2009), "The essence of the financial condition of the enterprise", *Aktual'ni problemy ekonomiky*, vol. 9, pp. 92-100.
9. Semenov, A.H. (2019), "Formation of a strategy for ensuring the financial stability of an industrial enterprise", *Derzhava ta rehiony. Seriya: Ekonomika ta pidpriemnytstvo*, vol. 4 (109), pp. 119-125.
10. Друри К. Производственный и управленческий учёт. – М.: ЮНИТИ, 2015. – 476 с.
11. Маткулиева С.И. Корхоналарда модернизациялаш жараёнларини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари. / С.И.Маткулиева. Текст: непосредственный. // Молодой ученый. 2017. № 24.1 (158.1). С. 22-25.
12. http://www.economy.nayka.com.ua/pdf/3_2020/158.pdf
13. <https://businessyield.com/finance-accounting/financial-stability/>
14. <https://lex.uz/docs/5841063>
15. <https://www.bmc.com/blogs/digital-twins/>
16. <https://www.gartner.com/en>
17. <https://www.imf.org/en/News>
18. <https://www.mygreatlearning.com/blog/digital-marketing-tools/>
19. https://www.researchgate.net/publication/340122148_Introduction_of_digital_technologies_in_the_enterprise
20. https://www.shs-conferences.org/articles/shsconf/pdf/2021/04/shsconf_nid2020_02029.pdf



DAVLAT KORXONASINI BOSHQARISHDA MARKAZLASHTIRILGAN MODELLARNING AFZALLIKLARI

Choriyev Fazliddin Ishquvvatovich -
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
katta o'qituvchisi

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a55

Аннотация. Ushbu maqolada davlat korxonalarini boshqarishning turli modellari afzalliklari va kamchiliklari tahlil qilinadi. Davlat korxonalarini mintaqalarda muhim ahamiyatga ega bo'lib, ko'pgina mamlakatlarda ular fuqarolarga asosiy xizmatlarni ko'rsatadi va ularning iqtisodiy ahamiyati davlat moliyasi nuqtayi nazaridan muhim hisoblanadi. Shu bilan birga, davlat korxonalarini siyosiy, moliyaviy, tartibga solish va boshqaruv muammolariga duch kelib, ushbu muammolar ularning samaradorligi va shaffofligiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Hukumatlar ushbu muammolarni minimallashtirish, shu bilan birga, sifatli xizmatlar bilan ta'minlash va tegishli fiskal risklardan qochish uchun boshqaruv modellarini qabul qilishi kerak. Ushbu maqolada boshqaruv modellarining davlat korxonalarining mavjud kamchiliklarini tuzatishdagi afzallik va kamchiliklari muhokama qilinadi.

Калит so'zlar: davlat korxonasi, boshqaruv, shaffoflik, investitsiya, boshqaruv modellari.

ПРЕИМУЩЕСТВА ЦЕНТРАЛИЗОВАННЫХ МОДЕЛЕЙ В УПРАВЛЕНИИ ГОСУДАРСТВЕННЫМ ПРЕДПРИЯТИЕМ

Чориев Фазлиддин Ишқувватович -
старший преподаватель, Ташкентский
государственный экономический университет

Аннотация: В данной статье анализируются преимущества и недостатки различных моделей управления государственными предприятиями. Государственные предприятия важны в регионах, и во многих странах они предоставляют гражданам основные услуги, и их экономическое значение важно с точки зрения государственных финансов. В то же время государственные предприятия сталкиваются с полтическими, финансовыми, нормативными и управленческими проблемами, что негативно сказывается на их эффективности и прозрачности.